

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан
мандарин импорти бозори юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича
МАЪЛУМОТНОМА**

I. ЦИТРУС МЕВАЛАРИНИ ИМПОРТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

1. Божхона расмийлаштируви:

Товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 289-моддасида назарда тутилган қуйидаги божхона тўловлари ундирилади:

- божхона йиғимлари - 0,2 фоиз;
- божхона божи – 20 фоиз;
- қўшилган қиймат солиғи – 15 фоиз.

2. Карантин текшируви:

Бундан ташқари, мандаринларни ва бошқа цитрус меваларни импорт қилишда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўздавқарантин» томонидан **жами 2та рухсатнома расмийлаштирилади.**

– карантин рухсатномаси олиш учун йиғим – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдориди (223 000 сўм), ҳар ой учун бир марта берилади (*Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.01.2018 йилдаги 65-сонли қарори*);

– транспорт бирлигини очиш далолатномаси ва ўсимликлар карантини кўриги далолатномаси – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдориди (223 000 сўм), транспорт воситасининг ҳажмидан қатъий назар ҳар бир транспорт бирлиги учун алоҳида расмийлаштирилади (*Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.01.2018 йилдаги 65-сонли қарори*).

3. “Ўзстандарт” агентлигининг мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш тартиби:

– **Мувофиқлик сертификати учун тўлов** – 1-5 тургача бўлган маҳсулот сертификати учун **686 500 сўм** ва хизмат ҳақи учун маҳсулотнинг ҳар бир тури учун алоҳида **229 540 сўм**, харажатлардан келиб чиқиб, юқори турувчи ташкилот томонидан белгиланадиган тарифлар бўйича (*Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2004 йилдаги 318-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 11.10.2013 йилда 2516-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш Қоидалари*).

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг санитария-эпидемиологик хулосасини (Гигиеник сертификатини) расмийлаштириш тартиби:

Санитария-эпидемиологик хулоса (Гигиеник сертификат) расмийлаштириш учун тўлов – ҳар бир юк хати бўйича банан, киви, мандарин, апельсин учун **654 400 сўм** ва ананас (генетик усул ёрдамида сунъий равишда ўзгартирилган организмлар) учун **1 285 399 сўм (654 400 сўм + 630 999 сўм)**, харажатлардан келиб чиқиб, юқори турувчи ташкилот билан келишилган ҳолда белгиланадиган тарифлар бўйича маҳсулотнинг яроқлилик даврига, яроқлилик муддатига эга бўлмаган маҳсулотга эса муддати кўрсатилмасдан берилади (*Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.07.2004 йилдаги 318-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 28.11.2005 йилда 1525-сон билан рўйхатдан ўтказилган Озиқ-овқат*

маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига санитария-эпидемиологик хулоса бериш тартиби тўғрисида Йўриқнома).

5. Импорт қилинган товарнинг Божхона қийматини аниқлаш тартиби.

Божхона органлари нарх маълумотлари бюллетенидан Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига белгиланган тартибда товарларнинг боғхона қийматини аниқлашда ва назорат қилишда фойдаланади.

(Асос: Бюллетень Ценовой информации ГТК РУз и МИВТ РУз №БЦИ №8-10 от 15.10.2020г. ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.05.2020 йилдаги 283-сонли қарори 32-34- бандлари).

6. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида белгиланган ташқи савдо режимлари.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи ёки Ўзбекистон Республикаси эркин савдо режимини белгилаган давлатларда ишлаб чиқарилган ва ушбу давлатлардан боғхона ҳудудига олиб кириладиган товарларга нисбатан боғхона боғлари қўлланилмайди (АСОС: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил июнда 3267-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, 10 та давлат билан битимлар имзоланган).

Энг кўп қулайлик режимини яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги битимлар имзоланган давлатлар рўйхатига – **47 та давлатлар киритилган.**

Эркин савдо режимини яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги битимлар имзоланган давлатлар рўйхатига – **10 та давлатлар киритилган.**

Изоҳ: Бож тарифи билан белгиланган ставкалар микдоридagi боғхона боғлари Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан, товарни жўнатувчи ва экспорт қилувчи мамлакатдан қатъий назар қўлланилади.

Савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлақати аниқланмаган товарларга нисбатан боғхона боғларининг ставкалари икки баравар оширилади.

II. БОЖХОНА ВА СТАТИСТИКА ҚЎМИТАЛАРИДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўрганиш натижаси бўйича қуйидаги ҳолатлар аниқланди.

Боғхона ва Статистика давлат қўмиталаридан олинган маълумотларга кўра:
2020 йилнинг 10 ойида Ўзбекистонга хорижий давлатлардан импорт қилинган цитрус мевалар турлари:

Банан – 17,6 млн. АҚШ долларига тенг **26,5 минг тонна;**

Авокадо – 21,6 минг АҚШ долларига тенг **30,2 тонна;**

Ананас – 258,1 минг АҚШ долларига тенг **382,4 тонна;**

Мандарин – 3,5 млн. АҚШ долларига тенг 22,4 минг тонна;

Апельсин – 1,7 млн. АҚШ долларига тенг **2,7 минг тонна.**

Жорий йилнинг **1 декабрь** ҳолатига Ўзбекистонга 11 та хорижий давлатдан қиймати 4,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлган **23,8 минг тонна мандарин импорт қилинган.**

2019 йилнинг 1 декабрь ҳолатига эса Ўзбекистонга **24,6 минг тонна мандарин импорт қилинган** эди.

Ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда **мандарин импорт ҳажми 0,8 минг тоннага камайган.**

2020 йилнинг 11 ойи давомида Ўзбекистонга **мандарин маҳсулотини** энг кўп миқдорда экспорт қилган энг йирик экспортчи давлатлар рўйхати ва уларнинг умумий импортдаги улуши қуйидагича:

Покистон – 19,5 минг тонна (81,9 %);

Хитой – 2,2 минг тонна (9,2 %);

Туркия – 1,3 минг тонна (5,46 %);

Миср – 214,2 тонна (0,9 %);

Қозоғистон – 156,3 тонна (0,65 %);

Бошқа давлатлар – 429,5 тонна (1,8 %);

2019 йил ва 2020 йилнинг ҳисобот даврида Мандарин (ТИФ ТН коди: 0805210000) импортини амалга оширувчи юридик шахсларни, уларнинг давлат рўйхатидан ўтган юридик манзили кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, 2019-2020 йил 11 ой якуни билан (1-декабрь ҳолатига) ҳудудлар кесимида мандарин маҳсулоти импортчилари сони қуйидаги кўринишни касб этди:

Қорақалпоғистон Республикаси – 1 та импортчи юридик шахс;

Андижон вилояти – 6 та импортчи юридик шахслар;

Бухоро вилояти – 3 та импортчи юридик шахслар;

Жиззах вилояти – 2 та импортчи юридик шахслар;

Қашқадарё вилояти – 5 та импортчи юридик шахслар;

Навоий вилояти – 1 та импортчи юридик шахс;

Наманган вилояти – йўқ;

Самарқанд вилояти – 14 та импортчи юридик шахслар;

Сурхондарё вилояти – 15 та импортчи юридик шахслар;

Сирдарё вилояти – 3 та импортчи юридик шахслар;

Тошкент вилояти – 5 та импортчи юридик шахслар;

Фарғона вилояти – 13 та импортчи юридик шахслар;

Хоразм вилояти – 1 та импортчи юридик шахс;

Тошкент шаҳри – 39 та импортчи юридик шахслар;

Импортни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектлар таркиби.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йил мобайнида республикага мандарин импорти билан шуғулланган тадбиркорлик субъектлари (юридик шахслар) сони жами **85 тани** ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг 11 ойи якуни билан импортчилар сони сезиларли даражада камайган ва атиги **58 тани ташкил қилган холос (яъни, импортчи юридик шахслар сони 27тага ёки 31,8% камайган).**

Бундан ташқари, 2020 йилнинг ҳисобот даврида (2020 йилнинг 1-декабрь ҳолатига) импортчи субъектлар таркибида жисмоний шахслар (ЯТТлар) улуши умуман мавжуд эмаслиги аниқланди (2019 йилда – Мандарин импортини амалга оширган **ЯТТлар сони 19тани ташкил этган эди).**

Жисмоний шахслар (ЯТТ)лар томонидан 2019 йил мобайнида импорт қилинган мандарин маҳсулотининг нетто ҳажми 7 млн. 364 мин 606 кг.ни (ёки - **7365 тонна мандарин маҳсулотини – импортнинг умумий қиймати - 1846,89 минг АҚШ долл**) ташкил қилган. Таъкидлаш жоизки, 2019 йил давомида мандарин маҳсулотининг умумий импорт ҳажмида **Жисмоний шахслар (ЯТТ)ларнинг улуши 29,9%ни ташкил қилган.**

2019 йил давомида мандарин маҳсулотини Ўзбекистон Республикасига импорт қилган **5 та йирик импортчи** юридик шахсларнинг улуши – **42,88% ёки 10 553 800,48 кг** маҳсулотни ташкил этди.

2020 йилнинг 11 оyi давомида мандарин маҳсулотини Ўзбекистон Республикасига импорт қилган **5 та йирик импортчи** юридик шахсларнинг улуши – **54,12% ёки 12 885 582,8 кг** маҳсулотни ташкил этди.

Йирик импортчилар таркиби деярлик тўлиқ таркибда ўзгарган, фақатгина Самарқанд шаҳрида давлат рўйхатидан ўтган 1та импортчи ташкилот 2 йил давомида ушбу рейтингда ўз ўрнини нафақат сақлаб қолган балки мустаҳкамлагани аниқланган.

2019 йил давомида мандарин импортида ушбу компаниянинг улуши **9,83 % ёки 2419276 кг** мандарин маҳсулотини ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг 11 оyi якуни билан айнан ушбу ташкилотнинг улуши **11,43 % ёки 2722516 кг. мандарин маҳсулотини Покистон давлатидан импорт қилган.**

III. ИЧКИ БОЗОРДА ШАКЛЛАНГАН ЧАКАНА НАРХЛАР МОНИТОРИНГИ НАТИЖАЛАРИ

2020 йилнинг 20 декабрь ҳолатига республика деҳқон бозорлари, йирик савдо мажмуалари ва дўкон ва расталарида цитрус меваларини сотиш бўйича шаклланган чакана нархлар таҳлили куйидаги кўринишни ҳосил қилди (жавдалга қаранг).

Республика ҳудудларидаги бозорлар (расталар ва дўконлар) ва шунингдек йирик супермаркетларда цитрус меваларини чакана сотиш нархлари

2020 йил 20-декабрь ҳолатига

Т/р	Худудлар	Мандарин		Апелсин		Ананас		Киви		Банан	
		Бозор нархи 1 кг. учун	Супер Маркет 1 кг. учун	Бозор нархи 1 кг. учун	Супер Маркет 1 кг. учун	Бозор нархи 1 донаси учун	Супер Маркет 1 донаси учун	Бозор нархи 1 кг. учун	Супер Маркет 1 кг. учун	Бозор нархи 1 кг. учун	Супер Маркет 1 кг. учун
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	11500-50000	13000-52000	28000-34000	34000-37000	70000-72000	75000-80000	23000-25000	27000-30000	20000-24000	22000-25000
2.	Андижон вилояти	12500-50000	20000	27000-33000	50000	45000-50000	50000	20000-23000	25000	18000-20000	22000
3.	Бухоро вилояти	11000-45000	13000-48000	27000-30000	25000-28000	40000-45000	45000	20000	22000	18000	19000
4.	Жиззах вилояти	11200-41000	12100-41250	25000-28000	31250-38000	55000-60000	75000	23000	25000-30000	19000-20000	21000-23000
5.	Қашқадарё вилояти	13000-45000	14000-50500	25000-30000	34000-39000	45000	54000	18000-20000	24000	18000-19000	19000
6.	Навоий вилояти	12000-45000	13800-53800	27000-35000	30000	60000-65000	72600	20000-22000	22500	20000	22500
7.	Наманган вилояти	12800-45000	13200-55000	34000-38000	35000-39000	50000-55000	45000-47000	20000-23000	23000-24000	18000-20000	19000-21000
8.	Самарқанд вилояти	13400-46000	14500-55000	28500-30000	30000-31000	65000	71000	21000	21500	18000-19000	19500-21500
9.	Сурхондарё вилояти	12000-47000	14000-54000	28000	30000	80000	100000	19000	23000	18000	20500
10.	Сирдарё вилояти	10000-47000	12000-49000	28000	29000	80000	85000	19000	20000	18000	19000
11.	Тошкент вилояти	14000-45000	29990-55990	28000-33000	26490-36990	45000-60000	57990	21000-36000	23790-55990	15000-20000	19990-44990
12.	Фарғона вилояти	13000-	14000-	25000-	37000-	45000-	47000-	22000-	24000-	18000-	19000-

Т/р	Худудлар	Мандарин		Апелсин		Ананас		Киви		Банан	
		Бозор нархи 1 кг. учун	Супер Маркет 1 кг. учун	Бозор нархи 1 кг. учун	Супер Маркет 1 кг. учун	Бозор нархи 1 донаси учун	Супер Маркет 1 донаси учун	Бозор нархи 1 кг. учун	Супер Маркет 1 кг. учун	Бозор нархи 1 кг. учун	Супер Маркет 1 кг. учун
		45000	55000	27000		50000		23000		19000	
13.	Хоразм вилояти	10000-50000	14000-54000	25000-30000	31000-35000	45000-60000	60000-70000	22000-25000	25000	18000-22000	20000-25000
14.	Тошкент шаҳри	11000-50000	12900-55000	26000-30000	26500-27500	45000-80000	58000	22000-30000	24000-56000	15000-22000	18000-20000

Ушбу маҳсулотларга божхона тўловлари килограммга, карантин, гигиеник, мувофиқлик сертификатлари тўловлари эса транспорт бирлигига ҳисобланиши ва ундирилиши аниқланди.

Таҳлил давомида импорт қилинган мандарин маҳсулотини харид нархи бир тоннаси 100 – 120 АҚШ долларни ташкил этган (божхона органлари нарх маълумотлари бюллетенига асосан).

IV. ИМПОРТЧИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВНОМАЛАР АСОСИДА АНИҚЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ

1. Импорт харажатларининг структураси таҳлили

Шунингдек, таҳлил жараёнида импорт қилинган ушбу цитрус маҳсулотининг ҳар бир килограммига харид нархи ва божхона тўловлари (божхона божи, ҚҚС тўлови, божхона йиғими, мувофиқлик, карантин ва гигиеник сертификатлар) учун (бир кг. учун) 5487 сўмни ташкил этганлиги ҳужжатлардан аниқланди.

1 тонна маҳсулотнинг харид нархи ва тўловлар ўрганилганда:

- харид нархи 1 млн сўм (**18,2 фоиз**),
- божхона божи 2,3 млн сўм (**41,9 фоиз**),
- ҚҚС тўлови 2,1 млн сўм (**38,3 фоиз**),
- божхона йиғими 27,2 минг сўм (0,5 фоиз),
- мувофиқлик сертификати 45000 сўм (0,8 фоиз),
- карантин сертификати 11000 сўм (0,2 фоиз),
- санитар хулоса 4000 сўм (0,07 фоиз)га тўловларни ташкил этганлиги аниқланди.

Шу билан билан бирга ўтказилган ўрганишда мандарин катта сорти (Покистон) маҳсулотини улгуржи нархи 8000 – 9000 сўмдан реализация қилинаётганлиги, деҳқон бозорларидаги чакана нархи 12000 сўмдан - 14000 сўмгача сотилаётгани қайд этилди.

Таҳлил жараёнида декабр ойида импорт қилинган (катта) мандариннинг ҳар бир килограммига импорт нархи 1258.1 сўмни божхона тўловлари (ҚҚС тўлови, бошлар ва бошқа божхона йиғимлари, мувофиқлик, карантин ва гигиеник сертификатлар ва рухсатномалар ҳамда ташиш билан боғлиқ автотранспорт харажатлари) жами 4874 сўмни ташкил этмоқда. 1 кг мандарин нархи эса 6132 сўмни ташкил этмоқда.

Мандарин (катта) маҳсулоти асосан Афғонистон орқали Покистон давлатидан (81,9 %) импорт қилинмоқда.

Мандарин импорти билан шуғулланувчи тадбиркорлар билан суҳбат жараёнида Афғонистон давлатининг Хайратон худудидан Сурхондарё вилоятининг Айритом

божхона худудидагача бўлган масофа учун **1 та юк-транспортга 20 000 кг маҳсулот юкланиши ва транспорт харажатлари ўртача 700 АҚШ долларини** ташкил этиши маълум бўлди.

Ички бозорда Цитрус меваларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари билан суҳбат жараёнида, мандарин (катта) маҳсулотини импорт қилувчи хўжалик субъектларидан 9000 сўмга сотиб олаётганлигини маълум қилишди.

Ҳозирда цитрус меваларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 кг мандарин (катта) маҳсулоти бозорларда 10 000 сўм эканлиги, чакана сотувчилар томонидан 10 000 -11 000 сўмгача сотилаётганлиги кузатилди.

Мандарин маҳсулотини Хитой Халқ Республикасидан импорт қилишдаги бир фуранинг транспорт харажатлари:

2019 йилда 4000-5000 АҚШ долларини ташкил этган бўлса,

2020 йилда пандемия сабабли битта фуранинг транспорт харажати 25000-26000 АҚШ долларига чиқиб кетганлиги натижасида, нархларнинг ошишига сабаб бўлаётганлиги ҳамда мазкур бозорга барча тадбиркорлик субъектларининг киришига тўсиқ бўлаётганлигини маълум қилган.

Хитой Халқ Республикасидан мандарин маҳсулотини импорт қилишда, Хитой божхоначилари томонидан белгиланган муддатда маҳсулотларни чиқарилмаслиги ва ушбу жараёнда кўшимча харажатлар қилинишига олиб келаётганлиги, бунинг натижасида, маҳсулот таннархи қимматлашаётганлигини маълум қилган.

Цитрус мевалари учун фитосанитар сертификати олиш, божхона тўловларининг қимматлиги ва ушбу маҳсулотларни бошқа тадбиркорлик субъектлари томонидан божхона тўловларисиз ноқонуний олиб кирилиши натижасида, улар томонидан сотилаётган маҳсулотлар нархи арзонлигини изохлаган.

Тадбиркорлар билан ўтказилган суҳбатда келтирилаётган цитрус меваларни Хитой давлатидан Қозоғистон орқали транзит олиб кирилаётганлиги сабабли транспорт ва хужжатларни расмийлаштириш харажатлари ортиб кетаётганлигини билдирган. Харажатлар таркиби қуйидагича бўлган:

- 1 тонна Мандарин (Хитой кичик) харид нархи 12 125 000 сўмни;
- 1 тонна Мандарин учун Транспорт харажати 15 750 000 сўмни (1500 \$);
- 1 тонна Мандарин учун Божхона божи 4 410 000 сўмни (20%);
- 1 тонна Мандарин учун ҚҚС 2 064 000 сўмни (15%);
- Бир маргалик сертификатлар ва рухсатномалар учун 2 627 300 сўмни;
- 1 тонна Мандарин учун бошқа харажатлар 1 500 000 сўмни;

Жами харажатлар **1 тонна мандарин учун 38 500 000 сўмни** ташкил этганлигини маълум қилган.

Қашқадарё вилоятида давлат рўйхатидан ўтган 2та тадбиркорлик субъектлари томонидан 2020 йилнинг **ноябрь ойида 56,9 тонна ёки 16,708 минг АҚШ долларид**а мандарин Хитой давлатидан импорт қилинган. Ушбу мандариннинг 1 тоннасининг ўртача нархи ноябрь ойида 293 АҚШ долларини ташкил қилган.

Мандарин (Покистон) мевасининг 1 кг чакана нархи ноябрь ойида 26 990 сўм бўлиб, 1-10 декабрь кунларида ноябрь ойига нисбатан 11 000 сўм (40,8%)га арзонлашиб 15 990 сўмни, жорий ойнинг 11-16 декабрь кунларида 1-10 декабрь кунларига нисбатан 4500 сўм (28,1%)га арзонлашиб 11 490 сўмни ташкил қилган.

Мандарин (Туркия) мевасининг 1 кг нархи ноябрь ойида 22 990 сўм бўлиб, 1-10 декабрь кунларида ноябрь ойига нисбатан 7 000 сўм (30,5%)га қимматлашиб 29 990 сўмни, жорий ойнинг 11-16 декабрь кунларида 1-10 декабрь кунларига нисбатан 4 000 сўм (13,3%)га арзонлашиб 25 990 сўмни ташкил этган.

Мандарин медовка (Хитой) мевасининг 1 кг нархи ноябрь ойида 47 990 сўм бўлиб, 1-10 декабрь кунларида ноябрь ойига нисбатан 7 000 сўм (14,6%)га қимматлашиб 54 990

сўмни, жорий ойнинг 11-16 декабрь кунларида 1-10 декабрь кунларига нисбатан 5 000 сўм (9,1%)га арзонлашиб 49 990 сўмни ташкил қилган.

2020 йил 10 декабрдаги 1 та ҳисоб фактура бўйича 20655 кг мандаринни 1 кг 1,1 доллардан, умумий қиймати 22731,5 долларлик Эрон давлатидан импорт қилинган божхона расмийлаштирувидан ўтказилган мандариннинг Ўзбекистонга кириб келиши харажатлари таҳлили куйидагича:

1. Нетто вазни: 20 655,0 кг.
2. Умумий қиймати: 237 386 645,71 сўм (22731,5\$).
3. Божхона йиғими: 474 773,29 сўм.
4. Божхона божи: 94 954 658,28 сўм. (237 386 646 сўм*40%)
5. ҚҚС: 49 851 195,6 сўм. (237 386 646 сўм+94 954 658,28 сўм*15%)
6. Божхона сақлаш хизмати: 474 773,29 сўм.
7. Карантин транспорт бирлигини очиш далолатномаси: 223000 сўм.
8. Карантин рухсатномаси: 223 000 сўм.
9. СЭС хулоса: 122 374 сўм.
10. Ўзстандарт агентлиги сертификатлаштириш хизмати: 686 500 сўм.
11. Ўзстандарт агентлиги сертификатлаштириш хизмати: 229 540 сўм.
11. Декларант хизмати: 669 000 сўм.

Жами: 385 295 460,17 сўмни ташкил этмоқда.

Юқоридаги харажатлардан келиб чиқиб, Эрон давлатидан 2020 йил 10 декабр куни олиб келинган мандаринни 1 кг 18653,9 сўмни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, тушириш, сақлаш ва яна қайта ортиш ҳамда ички ҳудуд транспортировкасига 1 кг учун 1000 сўмдан харажатлар қўшилиши ҳисобига 1 кг мандарин таннархи 19653,9 сўмни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда ушбу мандаринни 1 кг ни 20 000 сўмдан улгуржи ва чакана нархларда ички бозорга сотилаётганлиги билдирилди.

Шунингдек, ўрганиш давомида тадбиркорлар Эронда етиштирилган мандарин маҳсулотини импорт қилишда ҳамда маҳсулот таннархи кўтарилиб кетишига бир қанча муаммолар юзага келганлиги билдирилди:

- Маҳсулотни Эрон давлатидан кириб келиши ҳисобига божхона божининг **40 фоиз қўлланилиши (бошқа давлатлар учун 20% божхона божи ундирилади)** ҳисобига 1 кг учун 4597 сўмдан тўловлар ундирилганлиги;

- Маҳсулот Бухоро вилоятининг Олот божхона постида Божхона ва карантин ходимлари томонидан **маҳсулот тўлиқ юк машинасидан туширилиши талаб этилганлиги сабабли**, маҳсулот иссиқ-совуқ бўлиши ва қайтадан юклаш ҳисобига мандарин ўз сифатини йўқотишга олиб келиши;

- Карантин лабораторияси учун ҳудудларда **карантин рухсатномаси берилишига йўлга қўйилмаганлиги сабабли**, фақат Тошкент шаҳрида жойлашган Республика Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан карантин рухсатномаси берилиши;

- Ўзстандарт агентлигининг синов ва сертификатлаштириш хизматлари ҳам фақатгина **Тошкент шаҳрида жойлашган** Ўзбекистон илмий синов ва сифат маркази давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилиши, ҳудудий филиаллар томонидан синов ва сертификатлаштириш хизматларини амалга ошириш йўлга қўйилмаганлиги билдирилди.

Бунинг натижасида тадбиркорлар томонидан вилоятга олиб кирилган мандарин маҳсулоти вақт ўтиши ҳисобига қўшимча кунлик транспорт харажатлари ва маҳсулот хусусиятини (сифати) йўқотилишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, ўрганиш давомида мандарин (катта) маҳсулотининг бозор ҳудудидаги савдо нуқталари, йирик савдо мажмуаларидаги цитрус меваларини сотувчи тадбиркорлик субъектлари билан ўтказилган суҳбатлар жараёнида цитрус мевалари асосан Тошкент шаҳридан олиб келиниши ва цитрус меваларининг сотилиш нархлари

Тошкент шаҳридаги йирик бозорларда шаклланган нархларга ўз харажатларини (транспорт, юклаш тушириш, патта тўловлари) қўшган ҳолда сотаётганликларини билдирдилар.

Тошкент вилоятида ўтказилган таҳлиллар юзасидан:

Ўрганиш натижасида Янгийўл, Чирчиқ шаҳар ва Чиноз тумани деҳқон бозорларида мандарин маҳсулоти Покистон давлатидан келтирилгани 15000-20000 сўмдан, Хитой давлатидан келтирилган Медовик (кичик) 38000-40000 сўмдан, Туркия давлатидан келтирилгани 24000-30000 сўмдан, Апельсин маҳсулоти Туркия давлатидан келтирилгани 28000-30000 сўмдан, Африка давлатидан келтирилгани 40000 сўмдан, Ананас маҳсулоти Эквадор давлатидан келтирилгани (донаси) 40000-50000 сўмдан, Хитой давлатидан келтирилгани 55000-60000 сўмдан, Киви маҳсулоти Туркия давлатидан келтирилгани 30000-35000 сўмдан, Покистон давлатидан келтирилгани 21000 сўмдан, Эрон давлатидан келтирилгани 27000 сўмдан, Банан маҳсулоти Эквадор давлатидан келтирилгани 18000-20000 сўмдан чакана нархларда сотилаётганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат вилоятда жойлашган йирик савдо мажмуаларида ўрганилганда, Қибрай туманидаги «Макро» супермаркетда:

- Мандарин маҳсулоти Туркияда етиштирилган - 30990 сўм;
- Покистон мандарини - 16890 сўмдан;
- Апельсин маҳсулоти Туркия - 27580 сўмдан;
- Апельсин маҳсулоти Африка - 34990 сўмдан;
- Апельсин маҳсулоти Эквадор - 36990 сўмдан;
- Ананас маҳсулоти Эквадор - 57990 сўмдан;
- Киви маҳсулоти Аргентина - 55990 сўмдан;
- Киви маҳсулоти Эквадор - 23790 сўмдан;
- Банан маҳсулоти Эквадор - 18990 сўмдан сотилаётганлиги аниқланди.

Тошкент туманидаги «Корзинка» супермаркетидаги нархлар:

- Мандарин маҳсулоти Туркия - 28990 сўмдан;
- Хитой Медовик (кичик) - 55990 сўмдан;
- Апельсин маҳсулоти Туркия - 26490 сўмдан;
- Апельсин маҳсулоти Африка - 35990 сўмдан;
- Ананас маҳсулоти Эквадор - 57990 сўмдан;
- Киви маҳсулоти Эквадор - 27490 сўмдан;
- Банан маҳсулоти Эквадор - 19990 сўмдан чакана нархларда сотилаётганлиги аниқланди.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, бозор билан йирик дўконлар ўртасида мандарин ва ананас меваларнинг нархлари кескин фарқ қилмоқда. Хусусан, Хитой давлатидан келтирилган мандарин медовик маҳсулоти деҳқон бозорига нисбатан тармоқ савдо (Макро ва Корзинка) дўконларида **40 фоизга** ва Эквадор давлатининг Ананас маҳсулоти ўртача **28 фоизга қиммат нархларда** сотилаётганлиги кузатилди.

Мазкур импорт қилинган маҳсулотларни кириб келиши ва сотилиши буйича нархларни таҳлил ишлари амалга оширилганда, қуйидаги ҳолатлар аниқланди (жавдал илова қилинади)

Мисол учун, жорий йилнинг 15 декабр ҳолатига фермер хўжалиги томонидан Туркия давлатидан **143 тонна миқдоридаги мандарин** маҳсулотини **707,3 млн. сўмга** олиб келган бўлиб, ушбу маҳсулот учун ҚҚС, бож ва бож йиғимлари мувофиқлик, карантин, гигиеник сертификатлар ҳамда ташиш билан боғлиқ бошқа харажатлар учун жами **565,9 млн. сўм маблағ тўлаган**. Натижада жами мандарин маҳсулотнинг таннархи 1273,2 млн. сўмни, шундан 1 кг маҳсулот таннархи 8903 сўмни ташкил қилмоқда.

Ўрганиш давомида айнан ушбу товар йирик супермаркет дўконларга 15000 сўмдан етказиб берилганлиги аниқланган.

Юқорида қайд этилган, Туркиядан келтирилган мандарин маҳсулоти супермаркетлар тармоғида **28 990 сўмдан** ҳамда **30 990 сўмдан** сотилган.

Айнан бир турдаги ва сортдаги Туркияда етиштирилган мандарин маҳсулоти импорт қилувчи тадбиркор томонидан улгуржи таннархига **68 фоиз устама қўйиб сотаётганлиги**, Супермаркетлар дўконлари тармоқлари томонидан эса ушбу маҳсулотни улгуржи сотиб олиб, истеъмолчиларга **икки баравар** устама қўйиб чакана савдо орқали сотаётганлигини кузатилди.

«ЎЗТЕСТ» ДУК Фарғона филиали томонидан тақдим қилинган маълумотларда корхона томонидан хўжалик юритувчи субъектларга цитрус меваларининг мувофиқлик сертификати расмийлаштирилаётган бўлиб, сертификат тўлови **бир тўп маҳсулот учун 916 040,0 сўмни ташкил этади.**

Фарғона вилояти давлат Карантин инспекцияси тақдим қилган маълумотларга кўра, импорт қилинган цитрус мевалар учун ташкилот томонидан АКД ва ИКР хизматлари кўрсатилади. Ушбу хизматларни кўрсатганлик учун маҳсулот миқдоридан қатъий назар ҳар бир хизмат тури учун – 223 минг сўмдан хизмат тўлови ундирилади.

Бундан ташқари, цитрус мевалар нархларини кескин кўтарилиши сабабларини аниқлаш бўйича хусусий тадбиркорлик субъектлари билан суҳбатлашилганда, улар томонидан нархларни кўтарилишига асосий сабаб сифатида айнан транспорт-логистика хизматларини нархлари кўтарилганлиги кўрсатилди.

Шунингдек, ҳулоса қилиб айтганда мандарин импорт қилувчилар ўртасида нархларни сунъий оширган ҳолда қўллаш тўғрисида келишилган ҳаракатлар аниқланмади.

V. МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР

Тадбиркорлик субъектининг маълум қилишича 2020 йилнинг декабр ойида Туркия Республикасидан жами 39 тонна апельсин маҳсулотини ҳар бир тоннасини 1000 АҚШ доллардан импорт қилганлигини бироқ, божхона органи божхона божини ҳисоблашда олиб келинган нархда эмас балки, **божхонанинг электрон базасидаги нарх** (1 тоннаси учун - 1100 АҚШ доллари)га қараб божхона божи ундирилаётганлигини маълум қилган.

Бундан ташқари, божхона органи томонидан жамият томонидан олиб келинган апельсин маҳсулотининг божхона юк декларациясига **Туркия Республикаси божхона органининг асл муҳри сўралганлиги** (ушбу талаб бошқа давлатларда сўралмаслиги) каби муаммолар улгуржи нарх шаклланишига бевосита таъсир қилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Ваҳоланки, божхона органлари ўзаро электрон ахборот алмашинуви орқали божхона юк декларациясининг ҳақиқийлигини **QR код** орқали ҳам текшириб билиб олишлари мумкинлиги маълум қилинган.

Шу билан бирга, апельсин учун божхона божи 20 фоиз ва ҚҚС - 15 фоиз эканлиги ҳамда 1 дона юк машинасида (фура) Туркия Республикасидан Ўзбекистонга юк олиб келиш 5000-6000 АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши нархларнинг ошиб кетишига сабаб бўлганлиги билдирилган.

Ҳозирги кунда жамият ҳали ҳам Туркия Республикасидан олиб келинган апельсин маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси божхона органларидан ҳужжатлар асосида расмийлаштириб олиб чиқа олмаганлигини айтиб ўтган.

Шунингдек, мандарин маҳсулотлари ўртасида Ўзбекистонда энг харидоргир ҳисобланадиган «Медовка» номли мандарин маҳсулоти нархининг кескин ошиб кетишига асосий сабаблардан бири, ушбу маҳсулотнинг асосий қисми Хитой Халқ Республикасидан импорт қилиниши ва Мандариннинг айнан шу тури экспорти билан боғлиқ чекловлар жорий қилинганлиги маълум қилинган.

Жумладан, айна кунларда Хитой Халқ Республикасида етиштирилган мандарин маҳсулоти нархи ўтган йилга нисбатан 40% ошганлиги, коронавирус пандемияси сабабли мандарин маҳсулотлари экспортга деярли сотилмаётганлиги ва мандарин маҳсулотининг Хитойдан Республикамиз божхона постигача етиб келиши учун **энг камида 2 hafta муддат талаб этилаётганлиги**, бу эса ўз навбатида йўл харажатларининг ошиб кетиши ҳамда маҳсулотнинг вазн ва сифат кўрсаткичларига салбий таъсир этганлиги кўрсатилган.

Тадбиркорнинг таъкидлашича, битта юк машинасида (20 тонналик) цитрус маҳсулотларини Хитой Халқ Республикасидан Ўзбекистонга ташиб келтириш нархи 2019 йилда ўртача 7000-8000 АҚШ долл.ни ташкил этган бўлса, 2020 йилнинг декабрь ноябрь-декабрь ойларида битта 18 тонналик фуранинг ташиш нархи ўртача 15000-20000 АҚШ долл.гача ошиб кетганлиги асосий сабаб сифатида кўрилган.

COVID-19 коронавирус карантин чекловлари туфайли Туркменистон Республикаси орқали ўтиш йўллари ёпиқлиги учун юк ташиш транспорт воситалари Озарбайжон Республикаси ҳудудлари орқали кириб келаётганлиги бу ўз навбатида транспорт харажатларининг ошишига олиб келмоқда.

Цитрус меваларини Хитой давлатидан олиб келишда ҳам автотўл билан боғлиқ муаммолар яъни Қозоғистон Республикаси чўлларида об-ҳавонинг кескин совиб кетганлиги, магистрал йўлларнинг қор-муз билан қопланганлиги маҳсулотларнинг кириб келиш муддати чўзилишига ҳамда ҳаво ҳароратининг (-35), (-40) даражасига совиб кетиши оқибатида юк ташиш транспорт воситаларидаги рефрижератор ишдан чиқишига сабаб бўлиб, цитрус меваларни музлаши натижасида уларнинг чиришига сабаб бўлган айрим хусусий ҳолатлар ҳам маълум қилинган.

Тадбиркорларнинг маълум қилишларича, Хитой давлатидан мандарин мевасини Фарғона вилоятига етказиб бериш логистика хизмати учун 2020 йил бошида ва ўрталарида **ҳар бир юк машинаси (фура) учун 4000 АҚШ доллари миқдорида тўлов амалга оширилган.**

2020 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида импорт юкларни ташиб келтириш бўйича битта фура нархи қарийиб **16000 АҚШ долларга кўтарилган.** Бунга асосий сабаб сифатида, логистика хизмати кўрсатувчи субъектлар Ўзбекистонда цитрус меваларга бўлган талаб кўтарилган шароитда, Хитой давлатига кириш ва чиқишда қийинчиликлар юзага келган. Мазкур қийинчиликлар пандемия шароити туфайли юзага келган бўлиб, Хитой давлати чекланган шахслар орқали цитрус меваларни мамлакатдан олиб чиқиб кетишга рухсат бермоқда.

VI. МАҲАЛЛИЙ ВА ЯҚИН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ ЦИТРУС МЕВАЛАРИНИНГ ЙИРИК САВДО ТАРМОҚЛАРИДАГИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА СОТИШ ЧАКАНА НАРХЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Тошкент шаҳридаги «Макро» супермаркетидаги тармоқларидаги нархлар:

1 кг Мандарин катта Туркия маҳсулоти – 25 990 сўм;

1 кг Мандарин медовка Хитой – 54 990 сўм;

1 кг Покистон мандарини – 15 890 сўмдан,

Тошкент шаҳридаги «Корзинка» супермаркети тармоқларидаги нархлар:

1 кг Туркия катта мандарини – 26 490 сўмдан;

Москва шаҳридаги «Перекресток» супермаркетлари тармоғидаги нархлар:

1 кг Мандарин (69,9 рубл- 199,9 рубл) ёки **11184 сўмдан – 31 984 сўмгача чакана нархларда истеъмолчиларга сотилаётганлиги аниқланди.**

Цитрус мева номи	Тошкент шаҳридаги «Корзинка»	Тошкент шаҳридаги «Макро» супермаркетлари	Москва шаҳридаги «Перекресток»
------------------	------------------------------	---	--------------------------------

1	супермаркетлари тармоғи	тармоғи	супермаркетлари тармоғи
2	3	4	
Ананас 1 донаси	57990 сўм	36990 сўм - 57990 сўм	(109,9 рубл) 17584 сўм
Апельсин Туркия маҳсулоти 1 кг учун	26490 сўм	27580 сўм	
Апельсин Африка маҳсулоти 1 кг учун	35990 сўм	34990 сўм	
Апельсин Эквадор маҳсулоти 1 кг учун		36990 сўм	
Мандарин Медовик Хитой маҳсулоти 1 кг учун	55990 сўм	54 990 сўм	(69,9 рубл- 199,9 рубл) ёки 11184 сўмдан – 31 984 сўм
Мандарин Туркия маҳсулоти 1 кг учун	28990 сўм	25 990 сўм -30990 сўм	(69,9 рубл- 199,9 рубл) ёки 11184 сўмдан – 31 984 сўм
Мандарин катта Kinnaw Покистан маҳсулоти 1 кг учун		16890 сўмдан	(69,9 рубл- 199,9 рубл) ёки 11184 сўмдан – 31 984 сўм
Киви Эквадор маҳсулоти 1 кг учун	27490 сўм	23790 сўм	
Киви Аргентина маҳсулоти 1 кг учун		55990 сўм	
Банан Эквадор маҳсулоти 1 кг учун	19990 сўм	18990 сўм	(71,9 рубл) -11504 сўм

Изоҳ: Кокос, манго, киви каби меваларнинг ҳам нархлари Тошкент шаҳридаги супермаркетларда Москва шаҳридаги супермаркетларга нисбатан юқори эканлиги маълум бўлди.

Аргентинадан 07.09.2020 йилда импорт қилиб келтирилган 1 кг мандариннинг тахминий таннархи - **27820,05 сўм**, савдо дўконларидаги нархи ўртача 55 000 сўм эканлиги ҳисобга олинса, нархнинг қарийиб 50% таннарх (Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши) қолган қисми етказиб бериш, улгуржи ва савдо устамаларига тўғри келмоқда.

Туркиядан 05.11.2020 йилда импорт қилиб келтирилган 1 кг мандариннинг тахминий таннархи - **12047,46 сўм**, савдо дўконларидаги нархи ўртача 18000 - 26000 сўм эканлигини ҳисобга олинса, нархнинг қарийиб 50% таннарх (Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши) қолган қисми етказиб бериш, улгуржи ва савдо устамаларига тўғри келмоқда.

Хитой Халқ Республикасидан 18.11.2020 йилда импорт қилиб келтирилган 1 кг мандариннинг тахминий таннархи - **17677,05 сўм**. савдо дўконларидаги нархи **40 000 - 54 000 сўм** эканлиги ҳисобга олинса, нархнинг қарийиб 50% таннарх (Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши) қолган қисми етказиб бериш, улгуржи ва савдо устамаларига тўғри келмоқда.

VII. ТАКЛИФЛАР.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун куйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

- Ўрганиш натижасида цитрус меваларнинг импорти билан боғлиқ барча божхона тўловлари юқорилиги кузатилмоқда. Жумладан, тақдим этилган маълумотларга мувофиқ божхона томонидан мандарин (катта) маҳсулоти импорти бўйича божхона тўловлари 1 кг маҳсулотга нисбатан 1.1 АҚШ доллари миқдорида ҳисобланмоқда.

Цитрус меваларнинг импорти билан боғлиқ барча божхона тўловлари ҳамда уни ҳисоблаш тартибини қайта кўриб чиқиш ва уларни камайтириш юзасидан таклиф берилади;

- Ҳозирда мувофиқлик, фитосанитар, карантин ва гигиеник сертификатлар ва рухсатномалар марказлаштирилган тартибда фақатгина Тошкент шаҳридан расмийлаштирилмоқда. Бу эса ўз навбатида импорт қилувчиларнинг ортиқча вақт сарфлашлари ва қўшимча харажатлар сарфланишига олиб келмоқда, пировард натижада

ушбу харажатлар чакана харидорлар зиммасига юклатилмоқда. Худудларда тегишли карантин лабораторияларини ташкил этиш орқали мувофиқлик, фитосанитар, карантин ва гигиеник сертификатларни барча вилоят ва туман марказларида расмийлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

- Цитрус мевалари сифати тез бузилувчанлигини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда божхона постларида транспорт-логистика ва лаборатория марказлари сонини ошириш ва улар фаолиятини танқидий ўрганиб чиқиш;

- Цитрус меваларини Эрон давлатидан олиб келишда божхона божининг қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш (камайтирилиши) таклиф этилмоқда;

- Ишлаб чиқарилган мамлакати аниқланмаган товарларга нисбатан божхона божларининг ставкаларини ўрнатилган тартибда қайта кўриб чиқиб мақбуллаштириш;

- Цитрус мевалар асосан узоқ хорижий давлатлардан келтирилишини инобатга олган ҳолда маҳсулотлар етиштириладиган давлатдан Республикамизга худудига тўғридан-тўғри олиб келиш тартиб-тамойилларини соддалаштириш;

- Цитрус меваларни импорт қилувчи тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиш бўйича импорт масалаларига мутасадди бўлган вазирлик ва идораларнинг (МИВТ, ГТК, Карантин, СЭС, Узстандарт каби) мансабдор шахслари иштирокида семинар ва бизнес ўқув курсларини ташкил этиш.